www.ishonch-doverie.uz
2011-yil 3-fevral № 15 (2896) payshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Моҳият

Юрти тинч, ҳаловатли элнинг баҳори ҳам, ёзи ҳам, кузию қиши ҳам — қўйингки, ҳар бир куни файзли-тароватли бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Ахборот

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида Федерациянинг Ёшлар кенгаши III-мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари, Ёшлар кенгаши раиси Н.Аллаёров бошқарди. Ёшлар кенгаши раёсати, ҳудудий ва тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг ёшлар кенгаши вакиллари, ёш касаба уюшма етакчилари ва касаба уюшмалари ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ёш мутахассислар иштирок этган мазкур йиғилишда асосий эътибор ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, маънавий дунёқарашини янада ўстириш, ёшларга оид давлат сиёсатининг бажарилишига кўмаклашиш борасида республика касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар ва галдаги вазифаларга қаратилди.

Ёшлар – Ватан таянчи

Мавзу бўйича Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси И.Тошов, Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси ўринбосари А.Аҳмадалиев, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Ёшлар кенгаши раиси Н.Музаппарова, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Ёшлар кенгаши масъул котиби И.Ҳамроев сўзга чиқди. Улар бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш, ёшларни иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари яратилишида касаба уюшмалари Ёшлар кенгашлари фаоллигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши II-мажлисида белгилаб олинган касаба уюшмаларининг Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлиси ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалари асосий омил бўлиши таъкидланди.

Иштирокчилар томонидан ўртага ташланган таклифлар атрофлича муҳокама этилди. Жумладан, Ёшлар кенгаши аъзолари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда Федерация Кенгаши томонидан илгари сурилаётган «Устозшогирд» йўналиши самарали натижаларни бериши, касаба уюшмалари Ёшлар кенгашлари қошидаги ёш олимлар билан ишлаш бўлимлари ишини ривожлантириш давлатимиз томонидан ёшлар учун яратилаётган имкониятлар қаторида яна бир амалий ёрдам бўлиши таъкидланди.

Мажлисда Ёшлар кенгаши қошида 5 та йўналиш бўйича фаолият кўрсатувчи доимий комиссияларни шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

* * *

Йиғилишдан сўнг ташкил этилган давра суҳбатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева ёш касаба уюшма фаоллари билан очиқ мулоқот ўтказди.

— Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз томонидан ёшларни ҳар томонлама баркамол авлод қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева. — Бу борада қатор қонунлар, махсус Давлат дастурлари қабул қилинди ва амалиётга жорий этилмоқда. Бир бирининг узвий мантиқий давоми сифатида тизимли равишда амалга ошириб келинаётган ушбу дастурларда ёшлар манфаатларига йўналтирилган тадбирлар муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар доирасида соғлом фарзандни дунёга келтирувчи она саломатлигидан бошлаб дунёга келган гўдак соғлиғи, унинг жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб камол топиши, билим олиши, касб-ҳунар эгаси бўлиши-ю жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашигача бўлган жараён қамраб олинган.

Ўзбекистон ёшлари ҳам ушбу ғамхўрликларга жавобан ўз билим ва маҳоратлари, ташаббусларини Ватанимизнинг бундан-да равнақ топишига йўналтиришлари лозим. Бунда сўзсиз, энг йирик жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари сафидаги ёшлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис бугунги кунда Федерация Кенгаши томонидан касаба уюшмалари ишини давом эттирувчи ёш кадрлар захираси тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатида жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлган маънавият масаласига эътиборни кучайтириш бугунги кунда Республика касаба уюшмалари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада жойлардаги меҳнат жамоалари, олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида касаба уюшма ташкилотлари ташаббуси билан ташкил этиладиган маънавият соатлари ёшларнинг маънавий камолотини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлишига шубҳа йўқ. Ушбу маънавият соатларида мамлакатимизда турли соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмуни-моҳиятини халққа етказиш, ёшларни ёт иллатлар таъсиридан ҳимоялаш, миллий ғояни тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Шунингдек, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида спорт тадбирларини кўпайтириш, бу орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш самарасини ошириш масаласи ҳам мажлис иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ёшларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби

Истаймизки, юртимиз янада обод бўлсин. Беш-ўн йил ўтиб, эккан ниҳолларимиз меваси фарзандларимиз, набираларимиз, ҳатто улардан кейинги авлодларимиз дастурхонини ҳам тўкин қилсин. Самараси фақат эзгулик бўлган мазкур муҳим ва хайрли тадбирга ҳисса қўшиш ҳаммамизга насиб этсин. Яшаётган давримизга шукрона келтириб, фидойи бўлайлик! Фидойилик, энг аввал, Ватанни севиш, асраб-авайлаш ва унинг ободлиги учун курашиш демакдир. Бу бахт ҳар биримизга насиб этсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V қурултойи делегатларининг мурожаатидан

Ташаббус қанот ёзмоқда

Тўйга тўёна

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллиги тизимига кирувчи корхона ва ташкилотлар 386,3 гектар майдонда боғ яратишга киришдилар.

Жумладан, Муборак газни қайта ишлаш заводи Китоб туманида 50 гектар, Муборак туманида 5 гектар, «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси Яккабоғ туманида 70 гектар, корхона атрофида 10 гектар, «Шўртангазкимё» мажмуаси Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида 50 гектардан, Нишон тумани Нуристон шаҳарчасида 10 гектар, «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси Шаҳрисабзда 50 гектар, кончилар шаҳарчаси атрофида 2 гектар ҳамда Талимаржон иссиқлик электр станцияси Яккабоғ туманида 50 гектар ва ёрдамчи хўжалигида 10 гектар майдонни боғу бўстонга айлантиришни режалаштиришган. Қашқадарё электр тармоқлари вилоят ҳудудий бошқармаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси эса Китоб туманидан 12 гектар ер ажратиб, серҳосил дарахт кўчатларини ўтказишни бошлаб юборишди. «Муборакнефтгазмонтаж» очиқ акциядорлик жамияти Муборак туманида 6 гектар ерга кўчат экса, ярим гектар майдонда иссиқхона барпо этади.

Шунингдек, «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компанияси тизимидаги қатор ташкилотлар Деҳқонобод тумани ҳудудида мевали боғ-токзорлар яратишни режалаштирган бўлиб, айни пайтда кўчат экиш ишларига тайёргарлик авжида.

Қолган ташкилотларда ҳам иш қизғин.

— Касаба уюшма қўмиталари раислари иштирокида ўтган йиғилишда хайрли ташаббус маъқулланди ва ишчи гуруҳи тузилди, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили Жумақул Қурбонов. — Корхона ва ташкилотларнинг ошхоналарини полиз экинлари ва сабзавотлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида алоҳида майдонлар ажратиш, экин-тикин ишларини ташкил этиш белгиланди.

Мазкур тадбирда нафақат корхона ва ташкилотлар ҳисобидан боғ яратиш, балки ходимларнинг томорқаларида ҳам ташаббусни қўллаш, тарғибот-ташвиқот этишга келишиб олинди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Мусоҳаба

«Имкониятларни ишга соламиз...»

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ойсулув Нафасова билан суҳбат

— Президентимизнинг Парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузаси фуқаролик жамияти тараққиётининг янги поғонасини бошлаб берди. Айни чоғда сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзиниўзи бошқариш органлари қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни оширишда янада фаол бўлмоғи талаб этилмоқда. Таъкидлаш жоиз, демократик қадриятларни қарор топтиришда, жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айтинг-чи, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепция негизида қандай мақсад ўз аксини топган?

— Фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигига эришиш, шахс ва сўз эркинлигини таъминлаш истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ долзарб вазифага айлантирилган эди. Йигирма йилдирки, ушбу саъй-ҳаракатлар такомиллаштирилянти. Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» тўғрисидаги маърузаси демократик жараёнда ҳар бир киши иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг тарих учун қисқа, аммо сермазмун тараққиёт йўлида инсонийлик тамойилининг моҳиятини англаб етдик. Фуқароларимиз қонун бошқарувчи эмас, балки ҳаётимиз меъёри, турмуш фаровонлиги, шахс эркинлиги кафолати эканини, ундан чўчиб эмас, уни англаш, суяниб яшашни ўрганянти.

Эндиликдаги концепцуал вазифа эса аҳоли ҳуқуқ ва эркинлиги кафолатлари даражасини янада ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат тузилмалари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш, такомиллаштиришдан иборат. Ҳар бир шахс муносиб турмуш тарзига эга бўлиши учун, аввало, ўзи шу жамият ривожига нечоғлиқ улуш қўшаётганини англаб етиши лозим.

(Давоми 2-бетда)

Касаба уюшмалари – баркамол авлодга

Интилганга толе ёр, дейди донишмандлар. Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик жамиятида бунга яна бир бор амин бўлдик. Очиқ акциядорлик жамиятига етиб келгач, эшик олдида навбатда турган юзлаб ёшларни кўриб, ёнимизда келаётган йигитдан бунинг сабабини сўрадик:

— Бугун ишга қабул қилиш учун суҳбат ўтказилади. Бундай нуфузли корхонага ишга кириш шаҳримиздаги ҳар бир йигит-қизнинг орзуси. Мен ҳам бу ерга улар сингари ўз бахтимни синаб кўриш мақсадида келяпман...

Металлурглар, қандай яшаяпсиз?!

Таъкидлаб ўтиш керак-ки, ушбу комбинат саноат ва қурилиш ташкилотларига сув билан ҳаводек зарур бўлган қора металл етказиб бериш бўйича нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё ҳудудидаги энг йирик корхоналардан саналади. Шу боис кўпгина ишлаб чиқариш ташкилотларини хом ашё билан таъминлаб турган бундай корхона фаолиятида бирор муаммонинг пайдо бўлиши уларнинг ҳам инқирозга юз тутишига сабаб бўлади.

— 90-йилларнинг бошида жамоамизда кадрлар масаласида етишмовчилик сезила бошлади. Эндигина мустақилликка қадам қўйган мамлакатимиз учун қора металлнинг қанчалик зарур эканлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, — дейди комбинат касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳом Қурбонов. — Тезда корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси биргаликда пўлатни эритиш ва қуйишда зарур билим ва тажрибага эга бўлган кадрларни тайёрлаш масаласини ҳал қилишга киришдик. Юзлаб иқтидорли ёшларимиз Тошкент давлат техника университети, Россиянинг Москва пўлат ва қотишмалар университетига юборилиб, ўқиш харажатлари корхона ҳисобидан қопланди.

Ушбу олийгоҳларни битириб келган Темур Ҳусанов — иккиламчи қора металл ишлаб чиқариш бошқармасининг бош муҳандиси, Бобур Раҳмонбердиев — навли прокат ишлаб чиқариш цехида уста, Абдулла Рўзиев — муҳандислик марказида муҳандис, Илҳом Қодиров — техник назорат бўлими назоратчиси каби масъулиятли лавозимларда фаолият юритишмоқда.

Комбинат раҳнамолигида бугунги кунда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиали, Турин (Италия) политехника университетининг Тошкент филиали каби олийгоҳларда юзлаб талабалар таҳсил олишмоқда. Баркамол авлодни тарбиялашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишни мақсад қилган корхона Бекобод шаҳридаги ўрта ва умумий таълим мактабларида сабоқ берувчи ўқитувчиларни тайёрлашга ҳам баҳоли қудрат ҳомийлик қилиб келмоқда.

Очиқ акциядорлик жамиятида 10 мингга яқин ўзбек, рус, қозоқ, татар каби ўнлаб миллат вакиллари, 150 дан зиёд касб эгалари меҳнат қилишмоқда. Шундан 30 фоизини ёшлар ташкил этади. Бекоободдаги қурилиш, коммунал хўжалик коллежи, Саноат касб-ҳунар коллежи, Техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари асосан металлургия соҳаси учун кадрлар тайёрлашга ихтисослашган.

(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорлик

Жаҳон бозорига йўл

Марғилон қадимдан газламалари билан жаҳонга машҳур. Кейинги йилларда шаҳарда газлама, сифатли калава ип ишлаб чиқариш янада кўпайди. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар мамлакат ва жаҳон бозорида харидорини топди. Ўтган йили шаҳарда иш бошлаган «TEXYGEN» МЧЖ бу соҳада сезиларли ютуқларга эришди. Корхонада пахта толасидан замонавий технологиялар асосида маҳсулот тайёрланмоқда.

«TEXYGEN» МЧЖ «Марғилон текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси негизида ташкил этилганди. Уни модернизация қилишга «Евроазия инвест» масъулияти чекланган жамияти 120 000 АҚШ доллари сарфлади. Корхонада йилига 5 минг тоннадан ортиқ калава ип тайёрлаш имконияти юзага келди.

Айни пайтда бу ерда 120 нафардан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Ўтган йили «TEXYGEN» МЧЖда 600 тоннага яқин пахта толаси қайта ишланиб, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхона иш бошлаганидан ҳеч қанча вақт ўтмай, маҳсулот сифати хорижда ҳам эътироф этила бошланди. Дастлабки маҳсулотлар Россия, Туркия давлатларига экспорт қилинган бўлса, айни кунларда талабгорлар сони тобора ортиб бораётир.

— Корхона касаба уюшма ташкилоти ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаган ҳолда маҳсулот сифатининг юқори бўлиши, иш унумининг ошиши каби масалаларда ҳам ташаббус кўрсатмоқда, — дейди «TEXYGEN» МЧЖ директори Икромжон Расулов. — Зеро, маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги ишлаб чиқариш ривожи ҳамда ишчиларнинг фаровонлигига хизмат қилади.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

«Имкониятларни ишга соламиз...»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўп йиллар мобайнида ўтмиш асорати — боқимандаликка қарши курашдик. Одамларимиз тафаккури мутлақо янгича қараш, дунёни англашдек ҳислар билан бойиди. Муҳими, кўзланган мақсадга босқичма-босқич эришиб келяпмиз. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган концепция эса бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириб, қатъият билан одимлашни тақозо этади.

— Шу ўринда ижтимоий шерикчилик хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Маълумки, касаба уюшмалари иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорлик асосида фаолият юритади. Вилоят ҳокимлиги, Савдо саноат палатасининг вилоят бошқармаси ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида уч томонлама ҳудудий битим қабул қилинган. Бундан ташқари, айни чоғда 48 та тармоқ келишуви ҳамда 12976 та жамоа шартномаси тузилган. Ҳудуддаги 490 минг нафар меҳнаткашнинг ижтимоий ҳимояси таъминланиб, уларга қонунда белгиланганидан ташқари қўшимча имтиёзлар қўлланилмоқда.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшманинг розилигини олиш, асосий меҳнат таътиллари муддати ҳамда аёлларга туғишгача ҳамда туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътил кунларини узайтириш каби бандлар жамоа шартномаларига киритилмоқда. 17 нафар талаба-ўқувчи учун касаба уюшма устама стипендияси тайинланган, 81 нафар талабага эса шартнома пуллари тўлаб келинмоқда.

Қўшма мажлисда Президентимизнинг «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш тўғрисидаги таклифи нафақат касаба уюшмалари, балки барча нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти эркинлигини таъминлашга хизмат қилади. Ижтимоий шерикчиликнинг қонунан мустаҳкамланиши иш берувчилар зиммасига ҳам масъулият юклайди, албатта.

Эндиликда ижтимоий шериклар билан тузиладиган келишув, шартнома ва битимларда муайян бир қарорга келишда, ҳуқуқ ва манфаатларни ифодаловчи меъёрлар бажарилиши ёхуд ижродаги сусткашлик ҳолатларида ҳар икки томоннинг келишуви асосида қонуний ечим топиш имконияти кенгаяди.

Таъкидлаш жоизки, таклиф этилган янги қонун, энг аввало, аҳоли кенг қатламини ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал муҳофазалашни янада кучайтиришга хизмат қилади. Сир эмас, бозор иқтисоди шароитида касаба уюшмалари билан ижтимоий шерикчилик алоқаларини боғлашга интилаётганлар бор. Биз уларга касаба уюшма афзалликларини асослаш, юзага келган муаммоларни музокара билан ҳал этиш пайида бўляпмиз. Ҳудудимиздаги ҳуқуқий шахс мақомига эга корхона ва ташкилотларнинг 86 фоизи билан шартномалар тузилишига эришилган. Қатор тармоқларда бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш лозим.

Шартнома ва келишувларга киритилган томонлар мажбуриятлари тўлиқ бажарилиши юзасидан музокараларни жонлантиришимиз даркор. Жамоа шартномаларида меҳнат жамоасининг талаб ва таклифлари ўрганилиб, инобатга олинса, маъмурият ва касаба уюшма ташкилотининг молиявий имкониятидан келиб чиққан ҳолда қонуний меъёрлар асосида ишлаб чиқилиб, бажарилиши устидан қаттиқ жамоатчилик назорати ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамоа шартномасига киритилиб, тўлиқ бажарилмай келаётган бандлардан бири бу ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашдир. Жамоат ташкилотимиз мазкур масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги қарори, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ишлаб чиқилган намунавий ҳаракат тартиби асосида бир мунча ишларни амалга оширди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган ваколатлардан фойдаланиб, иш ҳақи тўланишининг ойма-ой олиб борилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, иш берувчилар олдига расмий талабномалар қўйилиб, маҳаллий органларга мурожаат этиб келинмоқда. Натижада, иш ҳақидан қарздорликнинг қарийб икки баробар камайишига эришилди.

— Ижтимоий муҳофаза кафолати аҳолининг иш билан таъминланиши саналади. Бу йўналишда касаба уюшмалари иштироки қай даражада? Қолаверса, бўш вақтни ташкил этиш аҳволи қандай?

— Ваколат доирасида аҳолининг доимий иш билан бандлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгилаб олганмиз. Чунончи, ҳудудда ўтказиб келинаётган бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркаларида касаба уюшма иштироки таъминланяпти. Жамоа шартномаларига аҳолини иш билан таъминлаш ва инқирозга қарши чора-тадбирлар юзасидан қўшимча бандлар киритилган. Ўтган икки йилда бу борадаги силжишлар салмоқли. Масалан, 2009 йилда ишлаб-чиқаришни кенгайтириш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, фермер хўжаликларини тараққий эттириш ҳисобига 12.718 та иш ўрни яратилди. Ўтган йилда ҳам бу кўрсаткич анча юқори бўлди.

Маълумки, аксарият корхона ва ташкилотларда ходимлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шароит яратилган. Бу йўналишда кўпроқ ёшлар билан ишлаяпмиз. Ҳудуддаги олий ва ўрта-махсус ўқув юртларидаги талабаларга шарт-шароит яратиш пайида бўлаяпмиз. Уларнинг ўқишдан бўш вақтини ташкил этиш ҳам доимий назоратда. Ўтган даврда «Энг яхши талабалар ётоқхонаси» кўрик-танлови ўтказилди. Унда Самарқанд тиббиёт олийгоҳи ётоқхонаси ғолиб деб топилди.

— Ҳуқуқий саводхонлик — фуқаролик жамияти негизи. Касаба уюшмаларининг ушбу йўналишидаги фаолиятига ҳам тўхталсангиз?

— Концепцуал вазифанинг моҳияти ҳам ана шунга қаратилган. Бирлашма кенгашининг юридик бўлими қошида аъзоларимиз ҳамда аҳолининг турли ижтимоий қатламларига кўмак бериш учун ҳуқуқий маслаҳатхона ташкил этилган. Қатор корхона ва ташкилотлар, ўқув юртларида «Савол беринг - жавоб берамиз», «Сиз касаба уюшма аъзоси бўлсангиз» мавзуларида ҳуқуқшуносларимиз жонли мулоқотлар ўтказиб келмоқда. Шунингдек, касаба уюшма фаолларининг доимий ўқув-семинари, ҳуқуқий ҳимоя мавзуларида машғулотлар ташкил этилмоқда.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий мавзудаги ҳар қандай мурожаати беэътибор қолдирилмайди. Кейинги беш йилда меҳнат қонунчилигининг 16 та йўналиши бузилганлиги тўғрисида меҳнаткашлардан 5323 та ёзма ва оғзаки мурожаат келиб тушган. Уларнинг барчаси белгиланган муддатда кўриб чиқилиб, ҳал этилди. Мазкур мурожаатларнинг 60 дан ортиғи касаба уюшмалари ташаббуси билан судларда кўрилиб, ечими топилган.

Шу ўринда меҳнат шароити ва муҳофазалашга қаратилган ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. Меҳнат жамоаларида хавфсиз иш шароити яратиш, иш ўрнини шаҳодатлаш ташкилотимиз зиммасида. Бу билан бошланғич ташкилотлардан сайланган 6300 дан ортиқ меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси аъзолари, 1650 нафарга яқин меҳнат муҳофазаси вакилларидан иборат жамоатчи фаолларимиз машғул. Натижада, ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликлар олди олинаяпти. Меҳнаткашларнинг мароқли меҳнат қилиши, мазмунли дам олиши учун бор имкониятни ишга соляпмиз.

«Ishonch» мухбири Нурилла ШАМСИЕВ суҳбатлашди

Яхшидан боғ қолади

Бухорода янги боғ ва хиёбонлар яратишга эътибор йил сайин ошиб боряпти. Буни вилоятнинг ҳар бир шаҳар ҳамда туманлари мисолида кўриш мумкин. Улар орасида Юртбошимиз таклифи ва ташаббуси билан бунёд этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» панорамасининг кўрки, қиёфаси, ҳусни-жамоли ўзгача. Бу ерда бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қўламининг кенглиги кишини бефарқ қолдирмайди. Айниқса, «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи ва амфитеатр, ёшлар маркази, вилоят мусиқали драма театрининг кўркам бинолари атрофидаги хушманзара боғ нафақат юртдошларимизни, балки хорижлик сайёҳларни ҳам мафтун этмоқда.

Бугунидан эртаси порлоқ

Қиш-қировли кунларда ҳам боғдаги ишлар суръати сусайгани йўқ. Ҳар бир шаҳар ва туман вакиллари ўзларига биркитилган ҳудудларда кўчатлар парвариши ҳамда ободончилик юмушлари билан банд.

— Боғнинг 12 гектарига масъулмиз, — дейди шу ерда бажарилаётган ишларга бош-қош бўлаётган агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Шофиркон туман кенгаши раиси Ёқуб Эргашев. — Ҳозиргача майдонни текислаб, мутахассислар маслаҳати асосида хориждан келтирилиб ўтқазилган камёб қарағай, эман, каштан, сакура каби кўчатларни парваришлаяпмиз. Хайрли ишда туманимизнинг хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалари вакиллари фаол иштирок этмоқда.

Таъкидланганидек, қишки тадбирларни бажаришда Файзулла Мирзаев бошлиқ туман ҳокимлигининг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими жамоасининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Ҳар куни мазкур жамоанинг 35-40 нафар ишчи-хизматчиси махсус автобусда бу ерга келиб, кўчатлар парвариши ва майдонларни текислашда бошқаларга ибрат бўляпти. Белгиланган топшириқларни бажаришда, айниқса, Рўзи Қосимов бошлиқ бригада аъзоларининг саъй-ҳаракати таҳсинга лойиқдир.

— Ҳавас қилса арзигулик боғни барпо этиш осон кечмади, — дейди Бухоро давлат марказий ўрмон хўжалиги бошлиғи Абдураззоқ Бобоқулов. — Чунки ўтқазилган 16 минг тупдан ортиқ кўчат Европа давлатларидан келтирилди. Нархи қанчалик қиммат бўлмасин, барча харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан қопланди. Уларнинг вилоятимиз иқлими ва тупроқ шароитига мослашиши, бенуқсон ривожланиши учун барча чораларни кўряпмиз.

Суҳбатдошимиз эътироф этганидек, ҳозиргача бир қанча «инжиқ» жараёнлар амалга оширилди. Чунончи, ҳар бир кўчат учун унинг агротехникасига мос: чуқурлиги 1,8 метр, эни ва бўйи 1 метр ҳажмида ҳандақлар қазилди. Унга шағал, шағал-тош парчалари, Самарқанддан келтирилган қум-тупроқ биогумус билан аралаштирилган ҳолда солинди. Кўчатларни биринчи суғоришда Дамҳўжанинг булоқ сувидан фойдаланилди. Эндиги эътибор уларнинг парваришига қаратилган.

«Кўҳна ва боқий Бухоро» панорамаси ҳудудида ташкил этилган департамент директори Фарҳод Авезовнинг таъкидлашича, дарахтлардан ташқари камёб гул ва бута ўсимликлари сони ҳам кўпайтирилади. 34 гектар майдонда «Канада грин» майсалари қишин-ёзин яшилликни таъминлайди. 73 гектар майдонда Германияда етиштирилган кливер ўтлари боғ файзига файз қўшади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Суратда: *агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Шофиркон туман кенгаши раиси Ёқуб Эргашев (ўртада) туман ҳокимлиги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими ходимлари Ҳамза Жўраев ва Шароф Ашуров билан.*

Тўкинчилик манбаи

Қишлоқ ва шаҳарларимиз замонавий турар-жойлар, маъмурий бинолар, маданий-маиший шохобчалар, шунингдек, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳисобига ҳам кун сайин чирой очиб бораётир. Ўзбекистон касаба уюшмалари V Қурултойи делегатларининг Мурожаати бу борада яна бир хайрли қадам бўлди.

Бу ҳақда Навоий вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Тоғаева мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Эътибор қилаётган бўлсангиз, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаоллари мамлакатимизнинг қайси минтақасига ташриф буюрмасин, энг аввало, аҳолининг яшаш тарзи, хонадонлардаги шарт-шароитлар билан қизиқишмоқда. Чунки аҳоли ўзига тўқ, фаровон кун кечирса, юртимиз обод бўлаверади, тараққиёт жадаллашади. Ҳар бир ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш фаровонлик учун хизмат қилади.

Яқинда ўтказилган фаоллар кенгашида ана шу мақсадлар яна бир бор таъкидланди. Етти кишилик вилоят штаби кўкаламзорлаштириш борасидаги мурожаатнинг тўлақонли ҳаётга татбиқ этилишини назоратга олган. Жойларда туман ҳокимлари, қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари фаоллари ҳар бир ҳовли, ҳар қарич бўш майдондан унумли фойдаланиш, кўчат ўтқазишга аҳолини ундашмоқда. Бу борада Кармана, Навбаҳор, Хатирчи, Қизилтепа туманлари аҳолиси, айниқса, сидқидилдан иш бошлагани қувонарлидир. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходимлари тармоқ касаба уюшма кенгаш раислари, вакиллик аъзоларининг ҳар бири муайян ҳудудларга бириктирилган.

Хусусан, Кармана туманининг «Ҳазора», Навбаҳор туманининг «Наврўз», Қизилтепа туманининг «Бўстон» қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ободонлаштириш ишлари кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаоллар йиғилишида амалга оширилади ган ишлар юзасидан зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш мавсумида 2 миллион 300 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда 100 минг туп япон сафорасини ўтқазишга келишиб олинди.

— Ҳудудимизда боғ-роғлар барпо этиш, мавжудларини такомиллаштириш устувор вазифага айланди, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Юсуф Ўтаганов. — Бу борада Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги «Мевасабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони дастуруламал бўлаётир.

Кўчат эккан етар муродга

Воҳада ишбилармон соҳибкорлар жуда кўп. Улар қишда ҳам тиним билишмайди. Хусусан, Турсунбой Латипов номидаги сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги 36 гектар боғдаги дарахтлар оқланиб, шакл берилди, ораликлари шудгорланди. «Ғаллакор», «Ширин», Усмон Юсупов СФУ ҳудудидаги боғларда ҳам агротехника тадбирлари сифатли амалга оширилди. Мирзаобод туманидаги 300 гектар ер майдони боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлиб, дарахтларни суғориш, озиқлантириш, янги боғлар барпо этиш асосий юмушга айланди. Айни чоғда 31 гектар майдонда янги боғ бунёд этилаётир. «Баҳор» СФУ ҳудудидаги «Али бобо боғи», «Яккатол баҳори», «Бояз бобо боғи» фермер хўжаликларида ариқ-зовурларни тозалаш, дарахтларга шакл бериш ишлари авжида.

— Касаба уюшмалари жуда катта савоб ишга қўл урибди, — дейди «Навбаҳор» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида яшовчи кекса деҳқон Эргаш ҳожи Умаров. — Халқимиз «Кўчат эккан етар муродга», деб бежиз айтмайди. Умрим деҳқончилик билан ўтди, аммо ҳали куч-қувватдан қолганим йўқ. Фарзандларим ва невараларимга бош бўлиб, эрта баҳорда томорқамизга 230 туп мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш ҳаракатидаман.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Ўқув-семинар

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг қўшма қарорига асосан, Президентимизнинг Конституциянинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир» маърузаси, меҳнат қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда ЎзКУФ V Қурултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан уч кунлик ўқув семинар ташкил этилди.

Ҳуқуқий саводхонлик

Фарғона политехника институтида бўлиб ўтган машғулотларда шаҳар, туман халқ таълими бўлими мудирлари, бирлашган касаба уюшма қўмитаси раислари ҳамда туман халқ таълими бўлими мутахассислари қатнашди.

Вилоят адлия бошқармаси, прокуратура, суд ижроия департаменти, фуқаролик ишлари бўйича суди, ички ишлар бошқармаси мутахассислари томонидан ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг таълим муассасаларида юритилиши ҳақида тушунчалар берилди. Фарғона политехника институти фалсафа кафедраси доценти И.Тўхтаров, ҳуқуқ фанлари номзоди Э.Қўзиев, вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси М.Латиповнинг маърузаларида иш берувчи ҳамда ходим ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни қонуний баҳолаш, қонун бузилишларининг олдини олиш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи қарорлари бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ўқув якунида иштирокчиларга сертификат билан бирга ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз

Металлурглар, қандай яшаяпсиз?!



(Давоми. Боши 1-бетда).

Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида 989 нафар коллеж ўқувчиси, олий ўқув юртларидан 282 нафар талаба комбинат тасарруфида амалиёт ўтади.

— Жамоага янги ишга қабул қилинган ходимлар учун олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда 10 кунлик ўқув курслари ташкил этилади, — дейди комбинатнинг Ўқув маркази бошлиғи Ҳамдам Қурбонов. — Шу вақт ичида ҳар бир касб эгаси ўз вазифаларига доир саволларга жавоб олади.

Бугунги кунда ОАЖида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 50 фоизи экспорт қилинади. Даромадга яраша буромад, деганларидек, ишчи-хизматчиларнинг маоши ҳам мўмайгина.

Комбинат маҳсулотлари Халқаро ISO сифат менежменти тизими аудиторлари иштирокида текширувдан ўтказилиб, юқори баҳо олаётганлиги ҳам ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Жаҳон бозорининг талаб ва қонун-қоидаларига жавоб бера оладиган даражада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун Россия, Германиядан мутахассислар таклиф этилиб, ўқув курслари ташкил этилади. Шунингдек, Халқаро OHSAS 18001 соғлиқни сақлаш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш бошқарув тизими томонидан икки йилда бир марта очиқ акциядорлик жамияти тизими тўлиқ текширувдан ўтказилиб, махсус сертификат берилади. Комбинатнинг экспорт салоҳияти йилдан-йилга ортиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Бу эса иш берувчи ва касабақўм ўртасидаги ҳамкорлик қуруқ гапга эмас, балки амалдаги ишлар натижасига асосланганлигидан бўлса, ажаб эмас.

Жамоа шартномасида 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ходимлар учун иш вақти ҳафтасига 24 соатдан, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун эса 36 соатдан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган шахсларнинг мурожаатига кўра, алоҳида меҳнат жадвали белгилаш назарда тутилган. Ёшларга яратилган яна бир имтиёз хусусида: биринчи бор никоҳдан ўтаётганда, комбинатга қарашли «Ёшлар уйи»да тўй тантаналарини ўтказишади ва уларга энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида, биринчи фарзанд кўрганларида эса энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.

Сўнгги икки йил давомида ёшларни моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида комбинат ҳисобидан 90 та хонадонга мўлжалланган учта уй қурилиб, эгаларига топширилди. Айни пайтда бундай замонавий, кўркам уйларда 30 ёшгача бўлган жамоа вакиллари фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришмоқда.

Юқорида айтганимиздек, уйлар очиқ акциядорлик жамияти маблағлари эвазига бунёд этилгани боис, ёш оилаларнинг хонадон учун тўловлари ҳеч қандай фоизларсиз 15 йил давомида уларнинг ойлик маошларидан чегириб қолиш эвазига қопланадиган бўлди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, жамоа шартномасида нафақат комбинат тасарруфидаги ёшлар, балки шу ерда ишлайдиган, фарзанд тарбияси билан банд бўлган ходимларга ҳам имтиёзлар назарда тутилган. Ҳомиладор, шунингдек, 14 ёшгача фарзанди ҳамда 16 ёшгача ногирон боласи бўлган аёлларга қисқартирилган иш куни ёки қисқартирилган иш ҳафтаси белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 231-, 232-моддаларига биноан ишлаб чиқариш шароитининг имкониятидан келиб чиққан ҳолда 2 ҳафтагача иш ҳақи сақланмаган таътил, йиллик меҳнат таътили ҳам улар учун қулай вақтларда берилиши назарда тутилган. Шунингдек, аёлларга меҳнат таътили даврига яна уч кун қўшиб берилади.

Дарвоқе, бугунги кунга келиб комбинатнинг яқин 30 йилга қадар кадрларга бўлган эҳтиёж захираси барпо этилганлигини эшитиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

...«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим».

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзуидаги маърузасидан

Файзу барака — аҳиллиқда

Мустақилликка эришгач, юртимизда маҳаллаларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Улар кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги Ҳусайн Бойқаро номидаги маҳаллада бўлиб, бу борадаги фикрларимиз янада қатъийлашди.

— Маҳалламиз 1992 йилда ташкил топган — дейди оқсоқол Азизқул Эгамов. — Айни кунда бу ерда уч ярим мингга яқин фуқаро истиқомат қилаётир. Ўзбеклар билан бирга, рус, қозоқ, корейс, дунган, уйғур, тожик, турк ва озарбайжон миллати вакиллари ҳамкор, ҳамжиҳат яшамоқда.

58 та кўп қаватли уйлар, 63 та ҳовли бор. Дарвоқе, мазкур хонадонларнинг тартиб билан жойлашиши, замонавий услубда таъмирланганлиги, атрофи мудом саришталиги билан ҳар қандай меҳмонни хушнуд этади. Айниқса, озода кўчалардаги дов-дарахтларнинг кўплиги ҳавасингизни келтиради. Уйлар атрофидаги кафтдеккина ер ҳам меҳр билан парваришланаётган фаровон маскан чиройига 3 та мактабгача таълим муассасаси ва 290-мактаб ҳам чирой қўшиб турибди.

Ҳудуддаги «Нихол» спорт мажмуаси доимо ёшлар билан гавжум. У ерда юзга яқин ёшлар спортнинг ўндан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланишади. Болаларга тажрибали ва малакали мутахассислар бириктирилган. Хусусан, Абдурасул Раимқулов бир неча йилдан буён болаларга спортнинг сир-асрорларини ўргатиб келади. Мажмуада ҳам очиқ, ҳам ёпиқ майдонлар мавжуд бўлиб, йилнинг қайси фаслида бўлмасин, машғулотлар махсус жадвал асосида ўтказиб келинади. Қолаверса, унга қўшимча сифатида ўтган йили «Тошшаҳарнур» электр тармоқлари ташкилоти ҳомийлигида «Юқори Чирчиқ» ва Билол Нозим кўчаларида болалар майдончаси қуриб фойдаланишга топширилгани кичкинтойлар қувончига қувонч улашди.

Туман ёшлар ижодиёти маркази ҳам шу ерда жойлашган. Каштачилик, бисер тикиш, ҳунармандчилик каби тўгараклар аъзоларининг ишлари ва қўлга киритган ютуқлари кўп эътироф этилмоқда. Шунинг учун бўлса керак, қўшни туманлардан ҳам қатнаётган ёшларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида «Бахт уйи», тўйхона ва туман нотариал идораси қуриб фойдаланишга топширилди. Замонавий бинолар бугунги кунда маҳалланинг кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Маҳалламизда олтита хусусий уй-жой ширкатлари ташкил этилган. Улар аҳолидан коммунал тўловларни йиғиш, назорат қилиш ва маҳаллага чиқиб тўлаш имконияти бўлмаганлар билан шуғулланади. Уларга қулайлик яратиш мақсадида терминаллар ўрнатилган. Алоҳида иситиш тизими яратилганлигидан аҳоли мамнун. Бир сўз билан айтганда, коммунал хизмат масалаларида муаммо йўқ.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб аталиши шу соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларимизга имконият ва масъулият юклайди. Маҳаллада ишлаб чиқариш корхоналари ҳам талайгина. Улар аҳолини иш билан таъминлашда анча қўл келмоқда. Масалан, салқин ичимликлар цехи, мармарларга ёдгорлик ёзиш устахонаси, «Акfa» ромлари ишлаб чиқариш цехлари, қуруқ мевалар тайёрлаш (туршак, майиз каби) кичик корхоналари самарали фаолият юритмоқда. Шаҳарда ягона бўлган «Сувмаш» заводи ҳам маҳалла ҳудудида жойлашган. Бу ерда Ўзбекистон бўйича сув насослари ишлаб чиқарилади. Мазкур заводда маҳалла аҳлининг 500 нафарга яқини иш билан банд.

Кўчаларимиз ҳамиша чароғон, симёғочларга «Тошшаҳарнур» электр тармоқлари ташкилоти томонидан замонавий ёритгичлар ўрнатилган.

— 2004 йилдан буён маҳалла қўмитаси раиси бўлиб ишлайман, — дейди Азизқул Эгамов. — Ўтган вақт мобайнида кўплаб ибратли ишларни амалга оширишга улгурдик. Масалан, ёшлар ўртасида маънавият-маърифат кечалари, мини футбол, шахмат-шашка сингари спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Байрамларда кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотганларга турли хилдаги моддий ва маънавий кўмак кўрсатилиб келинмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб бериш ҳам анъанага айланган.

Республика «Маҳалла» жамғармасига хат билан мурожаат этиб, улардан хушхабар олдик. Яқин вақт ичида замонавий гузар қуриб беришни ваъда қилишди.

«Ishonch» мухбири
Нарзулла МАХАМОВ
ёзиб олди.

Ватан ичра ватан

Тадбир

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзуидаги маърузаси юзасидан тарғибот ишлари жойларда уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Концепция ва ёшлар

Яқинда Тошкент шаҳар прокуратураси ташаббуси билан маърузадан келиб чиқувчи вазифалар мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш мақсадида 1-Республика Тиббиёт коллежида прокуратура, адлия, ички ишлар органлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ва «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи О.Раимов кириш сўзи билан очди. Сўнгра Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори А.Донаевнинг маърузаси тингланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Концепция моҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш мамлакатда демократик ислоҳотлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Иштирокчилар томонидан концепциянинг фаолият мезонига айлантирилиши давлат ҳокимиятининг ижро ва вакиллик органларининг самарали ишлашини ташкил этишда, фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашда, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда, бозор ислоҳотларини ривожлантириш ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим мезон бўлиб хизмат қилиши эътироф этилди.

Лола ШАМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар прокуроринг катта ёрдамчиси

Собир Раҳимов ТСРЎИ томонидан 2008 йил 7 июлда 05-05706 рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 447221883) якка тартибдаги тадбиркор Шарипов Шавкат Ҳуснитдиновичга тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Собир Раҳимов ТСРЎИ томонидан 2005 йил 10 июнда 000902-сонли тартиб рақами билан рўйхатга олинган **«Shahar markaziy yo`llari va su`niy inshoatlarini saqlash, foydalanish va ta`mirlash boshqarmasi»** давлат корхонаси негизида бўлиниш йўли билан **«Shahar su`niy inshoatlaridan foydalanish, ularni saqlash va ta`mirlash ixtisoslashtirilgan boshqarmasi»** давлат муассасаси ташкил этилишини маълум қилади.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Ta`minot-transport» масъулияти чекланган жамияти (СТИР рақами 201124210) тугатилади. Даъволар Мирзо Улуғбек тумани Шўртепа кўчаси 159 «а» уйда қабул қилинади.
Мурожаат учун телефон: 266-40-22

Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида банклар ишини янада такомиллаштириш, молия муассасаларини ишлаб чиқариш тармоғини қўллаб-қувватлашга жалб этиш бугуннинг долзарб вазифаларидандир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлари бундай вазиятда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Банк ва мижоз

«Асака» банк: ишончли ҳамкор

Соҳага кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли аҳолининг банкларга бўлган ишончи мустаҳкамланиб бормоқда. Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш бўйича тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш имкониятлари юзага келяпти. Албатта, тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда.

«Асака» давлат акциядорлик тижорат банкининг Сирдарё вилоят филиали мижозларга барча турдаги банк хизматларини, жумладан, ҳисоб-касса хизматлари, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни кўрсатиб келмоқда. Жалб этилган маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига самарали равишда йўналтириб, омонатчилар, мижозлар ва акциядорларнинг манфаатларига мос равишда кўпайтириб бормоқда. Бунда «Мижоз — банк учун эмас, банк — мижоз учун», деган тамойил дастуруламал бўлмоқда.

Банк филиали бўйича 2011 йилнинг 1 январига кўра, жами кредит қўйилмалари 31 миллиард 300 миллион сўмдан ошди. Бунда узоқ муддатли кредитлар салмоғи 93,4 фоизни ташкил этди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий кредит линиялари ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш ишлари фаол ривожланди. Мамлакатимизда янги мулкдорлар синфи жадал шаклланаётган, кичик ва хусусий корхоналар, тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар юзага келаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган энг асосий муаммолардан бири бошланғич капитал маблағнинг етарли эмаслигидир. Шуни ҳисобга олган ҳолда филиал томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 6 млрд. 587 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, банк томонидан «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга асосан 2 миллиард сўмдан зиёд, «Ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга асосан 1,9 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Натижада, 205 янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига асосан филиал томонидан 265,4 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу, ўз навбатида, 29 нафар аёлнинг иш билан таъминланишига хизмат қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан филиал қошида 3 та махсус касса ташкил этилди. Улар орқали аҳолидан коммунал хизматлари учун тўловлар қабул қилиш йўлга қўйилди. Натижада, коммунал тўловлар тушуми 2010 йил давомида 460,4 млн. сўмни ташкил этди.

Президентнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилган ишлар натижасида нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ишлари сезиларли даражада кучайтирилди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини сердаромад, юқори фоизли омонат турларига жалб қилиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли 2010 йил бошига нисбатан жалб қилинган жами омонатлар 2011 йил 1 январ ҳолатига 3,4 млрд. сўмни ташкил этди. Яъни, йил бошига нисбатан 304,4 млн. сўмга кўпайишига эришилди.

Вазирлар Маҳкамасинииг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, улардан чакана савдода, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 2011 йил 1 январ ҳолатига 407 та корхона ва ташкилотлар билан «иш ҳақи» лойиҳаларини жорий этиш бўйича шартномалар имзоланди. 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра, аҳолига 23,7 минг донадан зиёд пластик карточкалар муомалага чиқарилди.

Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида савдо дўконларида ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига жами 130 та терминаллар ўрнатилди.

«Асака» банкнинг Сирдарё вилоят филиали жамоаси соҳанинг ривожи аҳолининг барча қатламига намунали хизмат кўрсатишда, деб билади. Натижада, фаолиятнинг ҳар жиҳатдан самарадорлигига эришилмоқда.

Т.АБДУРАСУЛОВ,
«Асака» банкнинг Сирдарё вилоят филиали бошқарувчиси

Қулай ва кафолатли

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва имкониятлари йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам барқарор ўсиш суръатлари сақлаб қолингани, бу халқаро экспертлар томонидан тан олингани шундан далолат беради. Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» амалиётда ўзининг беқиёс самараларини бермоқда. Хусусан, изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли юртимиз банк-молия тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Натижада, бугунги кунда тижорат банклари мамлакатимиз иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланиб, уларнинг кредитлаш ва инвестициялаш соҳасидаги фаолияти ишлаб чиқаришни кенгайтириш, республикамиз учун саноатнинг мутлақо янги тармоқларини ўзлаштириш, модернизациялаш ва қўшимча иш ўринларини яратиш имконини бермоқда. Бу борада, айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги энг йирик ва қудратли молиявий-иқтисодий муассаса – «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ўзига хос ўрни бор.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш, эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан 32 турдаги миллий ҳамда хорижий валютадаги омонатлар жорий қилинган бўлиб, омонатларни банкнинг барча филиаллари ва минибанкларида расмийлаштириш мумкин. Қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда омонатчиларнинг биринчи талаблари билан нақд пулда таъминланиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги қарорига мувофиқ, ўтган даврда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида «Навқирон», «Камолот», «Ҳадя», «Фойда», «Истиқлол-1», «Баркамол-1», «Манфаат» ва «Баркамол-2» деб номланган 3 ойдан 14 ойгача сақланадиган муддатли ва аҳолига коммунал хизмати тўловларини тўлашга кенг имкониятлар яратиш мақсадида «Коммунал хизматлари тўловига» деб номланган сақлаш муддати 2 йилгача бўлган жамғариладиган омонати жорий қилинди.

Натижада, 2010 йил якуни бўйича аҳоли омонатлари қолдиғи 204 млрд. сўмни ташкил қилиб, йил бошига (200,6 млрд. сўм) нисбатан 3,4 млрд. сўмга ўсишига эришилди.

2011 йил 1 январ ҳолатига узоқ муддатли омонатлар қолдиғи 66,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, умумий омонатлар қолдиғига нисбатан 32,8 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Ушбу мақсадда Бош банк томонидан жорий қилинган аҳоли омонатлари бўйича маълумотлар «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг интернет сайтида доимий равишда янгиланиб борилди. Шунингдек, «Халқ сўзи», «Банк ахборотномаси», «Uzbekistan today», «Биржа», «Бозор, пул, кредит» нашрлари орқали ёритилди.

Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилнинг 15 январ куни Ўзбекистон банклари ассоциациясида ўтказилган тақдирлаш маросимида 2010 йил натижаларига кўра «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ва унинг филиаллари 5 та номинацияда ғолиб деб топилди. Жумладан, «Пластик карточкалар ёрдамида иш ҳақи лойиҳаларини жорий қилган энг яхши банк филиали» номинациясида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг Фарғона минтақавий филиали 2-ўринни, «Энг замонавий таъминланган банк муассасаси» номинациясида Олмазор филиали, «Аҳоли омонатларини жалб қиладиган шаҳарлардаги энг яхши жамғарма-махсус касса» номинациясида Тошкент шаҳар минтақавий филиалининг Амалиёт бўлими Марказий жамғарма кассаси 2-ўринни, «Аҳоли омонатларини жалб қиладиган шаҳарлардаги энг яхши минибанк» номинациясида Хонобод филиалининг Хонобод минибанки 1-ўринни ва «Миллий валютадаги энг яхши жамғариладиган депозит» номинациясида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ «Тараққиёт» номли жамғарма омонати ғолибликни қўлга киритди.

Аҳолига банк хизматларини кўрсатишда қулайликлар яратиш мақсадида қишлоқ ва шаҳар ҳудудларининг аҳоли гавжум жойларида 89 та минибанк, 174 та жамғарма, 81 та махсус касса ҳамда деҳқон ва буюм бозорлари ҳудудларида 84 та шохобча фаолият юритмоқда.

2010 йилда банк тизимида 4 та минибанк ишга туширилди. Шундан қишлоқ жойда 1 та минибанк фаолияти йўлга қўйилган бўлса, 6 та жамғарма касса ва бозорлар ҳудудида 2 шохобча очилиб, ишга туширилди.

Иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш кунлари аҳоли гавжум жойларда жойлашган жамғарма, махсус касса ва минибанкларнинг фаолият олиб боришини таъминлаш бўйича филиалларга тегишли кўрсатмалар берилиб, бугунги кунда кўпгина жамғарма, махсус кассалар, бозорлар ҳудудида жойлашган шохобчалар ҳамда минибанклар иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунлари соат 18 дан 21 гача иш тартиби белгиланди.

Аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича 2010 йил ўрнатилган прогноз режаси 169,2 млрд. сўм қилиб белгиланган бўлиб, йил якунига келиб 122 фоизга бажарилди, яъни 36,4 млрд. сўмни ташкил этди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ томонидан жорий қилинган «CONTACT», «BLIZKO», «WESTERN UNION», «MIGOM», «INTER EXPRESS» ва «UNIStream» халқаро пул ўтказиш тизимлари бўйича 100 га яқин халқаро пул ўтказмалар тизимлари шохобчалари орқали аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. Ушбу тизим орқали аҳолига 2010 йил давомида 178.792 транакция орқали 98 млн. 908 минг АҚШ доллари тарқатилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси жорий йилда ҳам ўз ресурс базасини шакллантириб, капиталлашув даражасини янада ошириш, тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш, инвестициявий фаолиятни кенгайтириш орқали барқарор ривожланишга эришиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада равнақ топишида камарбаста бўлаверади.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch

2011-yil 3-fevral № 15 (2896)

Газета — газетхон — газета

Публицистика ҳаётий мулоқотларнинг ҳосиласи ҳисобланади. Матбуот нашрларининг қизиқарли чиқишига эришиш ва уларда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда ўқувчилар билан доимий алоқани йўлга қўйиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларидан кенг фойдаланиш яхши самара беради. Буни «Ishonch» газетаси саҳифаларида ҳам яққол кўриш мумкин. Ижодий муваффақиятларимизда муштарийларнинг севимли нашрига нисбатан садоқати, унда бериб борилаётган материалларга фаол муносабат билдириши ва куюнчаклиги, шубҳасиз, катта ўрин тутмоқда. Йилнинг ўтган қисқа даврида муштарийлардан 114 та хат ва мақола олдик. Газетхонларнинг атрофда кечаётган воқеаларга уйғоқ муносабати, ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича мақолалардан жавоб олиш истаги акс этган мактублар, шунингдек, бадиий, публицистик ва илмий ижод намуналари нашримиз учун қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этган ҳолда, ўқувчи ва муаллифларимиз билан ижодий алоқамиз бундан-да юксалишига умид билдириб қоламиз.

Бахтсиз ҳодиса ва хайрли муқаддима

Яқинда бошимга бир ташвиш тушди. Ўзим севган, қадрлаган касб — ўқитувчилик соҳасида ишлаб юриб, бахтсиз ҳодисага дуч келдим.

Аниқроғи, 2004 йил 16 сентябр куни мактабимизда расмий тадбир ўтказиш ҳаракатлари бошланди. Кўргазмалардан бирини бинонинг том қисмига бириктириш керак экан. Ишга киришиб кетдим, нарвондан юқорига кўтарилдим. Аммо... шифер устига оёқ қўйишим билан тойиб кетдим. Шифохонада кўзимни очдим.

Ўзбекчилик... Эшитган, билган борки, келиб хабарлашиб туришди. Аммо соғлиғимни тўлиқ тиклашнинг имкони бўлмади. Натижада II гуруҳ ногиронига айландим. Тўғриси, бундай вақтларда, аввало, инсон маънавий кўмакка муҳтожлик сезаркан. Кейин эса даволаниш харажатлари учун моддий таъминотга эҳтиёж туғилади. Ўша пайтларда қаерга, кимга дард ёришни билмасдим. Яхшиямки, атрофимизда кўпни кўрганлар бор. Улар менга: «Ўқитувчи эдинг, ўзларингдаги касаба уюшмаларига мурожаат қил», дейишди. Шу билан 2010 йил март ойида вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгашига ариза ёздим. Кенгаш мутахассислари мурожаатимни атрофлича ўрганиб чиқишди. Ўрганиш жараёнида мен билан юз берган бахтсиз ҳодиса ҳақиқатан ҳам иш билан боғлиқ эканлиги исботланди.

Менга етказилган зарар учун иш берувчидан 2516160 сўм миқдорда бир йўла бериладиган товон пули ундириб беришди.

Ўз тақдирим мисолида элу юрти учун меҳнат қилган киши борки, доимо қадрланишига амин бўлдим. Ҳозир ҳам вилоят касаба уюшмалари кенгашига бориб тураман. Мен каби инсонлар бахтига ҳамиша омон бўлинглар, деб дуо қиламан.

Холмурод ЖУМАЕВ,
Қизириқ тумани «Халқобод» маҳалласи

Қиз йиғини — қизлар учун

Ўзбекнинг энг катта орзуларидан бири — тўй қилиш. Унинг рисоладагидек, жойжойида ўтказилиши эса кўнглимизни янада файзга тўлдиради. Кейинги пайтда дабдабабозлик, кимўзарга, «фалончиникидан-да яхши бўлсин» қабилида иш тутиш тўйларни бачкана, серхаражат, серташвиш ўтишига сабаб бўлмоқда.

«Қиз йиғини» деган удумимиз бор. Ажабки, кейинги вақтларда бу тадбирга 250-300 киши (ярми эркаклар!)ни таклиф этиш, турли ичкиликларни дарёдек оқизиш урфга кирмоқда. Шовқин-суронли куй-қўшиқлар авжга чиққан «тўкин-сочин» базмда бўлажак келин иккита дугонаси билан ер остидан залдагиларни томоша қилиб ўтиради.

Яқинда бир синглимиз қиз узатди. Қарангки, онасини кўриб, қизини ол, деганларидек, оқила, андишали аёлнинг дилбанди ҳам ўзи билан ҳамфикр экан. Тўйдан уч кун олдин қариндош-уруғ, қўни-қўшни йиғилиб, «қиз йиғини» уйда, ўттиз-қирқтача қиз ва дўсту қадрдонлар даврасида ўтказилди. Келин ял-ял ёниб турган адрас қўйлақда, бошида зар дўппи, дугоналари, синфдошу курсдошлари билан яйраб-яшнаб ўтирди.

Тўйларимизни ихчамлаштирсак, жуда катта иш қилган бўламиз. Бир тўйнинг иккинчи нусхаси нимага керак? Чунки «қиз йиғини»да ҳам шу меҳмонлар, тўйда ҳам. Келинг, бу борада эътиборли ва доно бўлайлик, ризқимизни ўзимиз қирқмайлик, тежамкор бўлишга ҳаракат қилайлик.

Зуҳрахон РЎЗМЕТОВА,
Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бош методисти

Ёшим етмиш олтида бўлса-да, бир зум бўш ўтиргим келмайди. Ахир Аллоҳ ҳам «сендан ҳаракат — мендан барокат» деб қўйган. Етти ўғлим, икки қизим бор. Ўғилларимнинг барчаси дурадгорлик, сартарошликдан бохабар. Қизларим эса чевар. Қолаверса, иссиқхона ташкил қилиб, боҳорда деҳқонларга помидор, булғор қалампири ва бошқа кўчатларни етиштириб берамиз. Кўп йилдан бери асаларичилик билан ҳам шуғулланамиз.

Барака — ҳаракатда

Юртбошимиз томонидан 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани қалбимда кучли ҳаяжон уйғотди. Ахир, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш фаровонликнинг асосий мезони-ку.

Истеъмолдаги кўпгина маҳсулот ва жиҳозлар бошқа мамлакатлардан келтирилади. Масалан, оддий велосипедни олайлик. Қишлоқ аҳолиси учун арзон ва қулай техника воситаси. Наҳотки, шуни мустаҳкам ва ишончли қилиб ўзимизда ишлаб чиқаришнинг имкони йўқ? Ўйлайманки, улуғ ниятлар билан бошлаган йилимизда шунга ўхшаш муаммолар борасида жиддийроқ бош қотирилади.

Марқа бобо ЯНГИБОЕВ,
Чироқчи тумани Қаҳрамон қишлоғи

Савол:

Йигирма йилдан буён мактабда ўқитувчи, директор ўринбосари лавозимларида ишлаб келяпман. Бу йил 55 ёшга тўламан. Пенсияга чиқа оламанми?

Х.ОТАМУРОДОВ,
Фориш туманидаги 7-умумтаълим мактаби директори ўринбосари

* * *

Ўтган йили ноябр ойида туман ижтимоий таъминот бўлимига имтиёзли пенсияга чиқиш бўйича мурожаат қилганимда, меҳнат дафтарчамни кўриб чиқиб, «ҳужжатларни тайёрланг» дейишганди. 25 декабрда эса «Сиз имтиёзли пенсияга чиқа олмайсиз. Чунки 2011 йил 1 январдан барча имтиёзлар бекор бўлди», дея рад этишди. Шу тўғрими?

М. ҚЎЧҚОРОВ,
Оқдарё туманидаги 8-умумтаълим мактаби директори

Жавоб:

2010 йил 23 декабрда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун матбуотда эълон қилинди.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12-моддасининг «к» банди қуйидаги таҳririда баён этилган: «ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари – махсус стажи камида 25 йил бўлган тақдирда».

Унга кўра, ўқитувчиларнинг имтиёзли пенсияга чиқиши, яъни умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи муассасалар тури бўйича умумтаълим мактабларидан махсус ихтисослашган мактабларга ўтказилган.

Д. МУҲАМЕДАЛИЕВА,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош ҳуқуқшуноси

Ҳаётга қайтдим

Мусобақаларда қатнашиш истаги туғилганда, кўпчилик бунинг уддасидан чиқа олмаслигимни айтишди. Чунки турли сабабларга кўра менда 6 маротаба жарроҳлик амалиёти ўтказилган. Бирор спорт тури билан шуғулланиш умуман мумкин эмасди. Аммо шифокорларнинг хулосаларига эътибор бермай, енгил атлетика бўйича мусобақаларда қатнашдим. Натижа ёмон бўлмади. Туман бирлашган касаба уюшмаси томонидан ўтказилган спорт мусобақалари мени янада руҳлантирди. Тўрт йилдирки, нафақат туманда, балки вилоятда ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдаман.

Мактабда она тили ва адабиёт фанларидан сабоқ бераман. Таълимда эришган фаоллигим, ташкилотчилигим ва бошланғич касаба уюшма раиси сифатида олиб борган изланишларим самарасиз қолмади. 2009 йилда иқтидорли ўқувчилар билан бирга республикада ўтказилган «Ўйла, изла, топ!» телеўйинида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаб қайтдик. «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотландим. Аълочи ўқувчим Н.Муталов республика бўйича иншолар танловида иштирок этди.

Мактаб бошланғич касаба уюшма раиси сифатида ишлаб келмоқдаман. Ходимлар меҳнатини қадрлаш, маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш, соғлигини мустаҳкамлаш борасида, уларнинг фарзандларини дам олиш оромгоҳларига боришини таъминлашда куч-ғайратимни сарфлаб келмоқдаман.

Ҳисобот даврида олиб борган фаолиятим юзасидан туманда биринчи ўринни эгалладим.

Ҳаётга қайтишимда, баркамол авлодни ҳар томонлама етук этиб тарбиялашда қўллаб-қувватлаган касаба уюшма ташкилотига миннатдорчилигимни билдираман.

Лобархон РУСТАМОВА,
Тўрақўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Гузорлик қуёнбоқарлар

Гузорлик Абдурашид Ҳусановни Қашқадарёда яхши билишади. У «Жамшид Тўра набираси» фермер хўжалиги ҳузурида қуёнчилик фермаси ташкил этиб, жониворлар сонини 1700 тадан оширди.

— Қуёнчилик — етти хазинанинг бири, - дейди Абдурашид ака. — «Агробанк»дан 28 миллион сўмлик кредит олиб, қуёнхона қурдим. Тошкент вилоятидан 10-15 килограммгача бўлган «Великан» ва «Қўзиқулоқ» зотли наслдор қуёнлар келтирдим.

Абдурашид акадан ўрнак олган «Мулла Фузайил» фермер хўжалиги раҳбари Комил Норматов ҳам қуёнчиликни ривожлантиришга киришди.

Иззат ҲИКМАТОВ

Қизиқарли ўтди

Сергели тумани ҳокимлигида туман корхона ва ташкилотларида жамоа шартномаларининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тузиш бўйича ўқув семинар ўтказилди. Унда тумандаги тармоқ корхоналарининг бошланғич касаба уюшма қўмита раислари иштирок этди.

Семинарда жамоа шартномалари сифатини яхшилаш ва уларнинг бажарилиши устидан томонлар масъулиятини оширишга алоҳида эътибор бериш кераклиги тўғрисида маърузалар қилинди.

Иштирокчиларнинг бу борадаги саволларига Тошкент шаҳар савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши бўлим бошлиғи Қ.Хасманов батафсил жавоб берди.

Ш.ШАМШИЕВА,
Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Сергели туман вакили

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда,

Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин («007» қисқа рақамига қўнғироқ фақат туман ва шаҳар АТС рақамларидан амалга оширилади)

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари	
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371	232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҲДЛҚК Департаменти	Код: 8371	233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374	224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365	223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372	226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375	221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361	222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436	225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369	226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366	235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367	223-38-22
12.	Сурхондаё вилоят прокуратураси	Код: 8376	223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371	273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371	277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373	224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362	227-45-71

Бундан ташқари, барча туман — шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.
Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To`lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-52-89
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e`lonlar — 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: A. Abdullayev
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -23.40

Буюртма Г — 251

21933 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 3 4 5